

Намуналик ёшлар билан учрашув ўтказилди



Бугун Термиз тумани 1-Сектор ҳудудидаги «Намуна» маҳалласи ёшларининг муаммо ва мурожаатларини ўрганиш мақсадида "Сектор раҳбари ва ёшлар учрашуви" ўтказилди.

Термиз тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Одил Якубов иштирокида ўтган учрашувда ёшларни қизиқтирган масалалар юзасидан суҳбат қилинди. Маҳалла ҳудудида спорт майдончаси ва тикувчилик тўғараги ташкил этиш каби масалалар ўртага ташланиб, ечими юзасидан мутасаддиларга вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, ёшлар билан суҳбатда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш юзасидан таклифлар ҳам тингланиб, уларга керакли тавсиялар берилди.